

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:**  
Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### **3.Пардаева**

Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели .....	94
<b>Х.Жўраев, З.Раҳимов</b>	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари .....	103
<b>Х.Шарафиддинов</b>	
Қоғиянинг функционал ва структурал эволюцияси .....	106
<b>Г.Муҳаммаджонова</b>	
Ижод психологизмининг бадиий талқини.....	110
<b>Я.Нишанов</b>	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
<b>А.Махмудов</b>	
Олмон адабиётшунослигига Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли .....	119

## ТИЛШУНОСЛИК

### **А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова**

Тилшуносликда вариантилилк масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билин муносабати .....	124
<b>С.Мўминов, А.Юлдашев</b>	
Сўз илмий талқинига бир назар .....	130
<b>М.Зокиров, Ф.Исомиддинов</b>	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида .....	134
<b>Н.Умарова, О.Холматова</b>	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида .....	139
<b>Г.Розикова, М.Курбонова</b>	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш .....	147
<b>Ш.Кахарова</b>	
Ўқитувчи мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари .....	151
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари .....	155
<b>Г.Мамаджанова</b>	
Лингвокультуре маларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари .....	159

## ПЕДАГОГИКА

### **Т.Эгамбердиева**

Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳтили ва талқини .....	164
<b>Х.Ибраимов, К.Тоджибаева</b>	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклузив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида .....	170

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

### **М.Хакимов, Ш.Умурзакова**

Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишининг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
--	-----

### **Н.Валиева**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
--	-----

### **М.Расулов**

Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни .....	182
---	-----

### **Ф.Каримова**

Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси .....	186
---	-----

ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК  
ТАХЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ

ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ РАЗВИТИЯ  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНТОВ

PEDAGOGICAL ANALYSIS AND INTERPRETATION OF INTELLECTUAL CULTURE  
DEVELOPMENT IN STUDENTS

Эгамбердиева Турғуной Ахмаджоновна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Эгамбердиева Турғуной Ахмаджоновна

— Фаргона давлат университети, педагогика фанлари доктори, профессор, ФарДУ қошидаги Гендер тадқиқотлар марказы раҳбари.

**Аннотация**

Мақолада талабаларда интеллектуал салоҳият ва фаолликнинг шаклланиши, ривожланишининг жамият интеллектуал ҳаётидағы ақынлар, оиласағы ижодий мұхит, инновацион таълим, китобхонликнинг талаба-әшлар интеллектуал маданиятни шакллантиришдагы акмеологик-гуманистик ролі, жамиятта интеллектуал мұхит қарор топишининг тарихий ва замонаевий таҳлили ва талқини педагогик жиҳатдан ифодаланған.

**Annotation**

В статье с педагогической точки зрения изложены формирование интеллектуального потенциала и активности у студентов, значение их развития в интеллектуальной жизни общества, акмеологическая-гуманистическая роль творческой атмосферы в семье, инновационного образования, чтения книг в формировании интеллектуальной культуры студенческой молодежи, исторический и современный анализ и интерпретация утверждения в обществе интеллектуальной среды.

**Annotation**

The article focuses on the formation of students' intellectual competence and activity in students, the importance of their development in the intellectual life of society, the creative environment in the family, innovative education, the role of reading in the formation of intellectual culture of students, the acmeological and historical-humanistic.

**Таянч сүз ва иборалар:** интеллект, талаба-әшлар, таълим, педагогика, интеллектуал қадриялар, интеллектуал фаоллик, интеллектуал салоҳият.

**Ключевые слова и выражения:** интеллект, студенческая молодежь, образование, педагогика, интеллектуальные ценности, интеллектуальная активность, интеллектуальный потенциал.

**Keywords**: *intelligence, students, education, pedagogy, intellectual values, intellectual activity, intellectual competence.*

Жаҳонда ҳозирги кунда фан ва техниканинг энг янги соҳалари бўлган нанотехнологиялар, машина интеллекти, сунъий интеллект, биокибернетика, генетик тиббиётдаги қашфиётларнинг маънавий мезонлардан узоқлашиши жиддий хавотирларни вужудга келтирди. Бу каби муаммоларни олдини олиш эса илм-фан, таълим соҳаси вакилларининг интеллектуал маданиятини ривожлантириш, хусусан, бўлғуси мутахассислар, олимлар, ёш тадқиқотчилар илмий-ижодий фаолиятининг маънавий-ахлоқий асослари, тамойиллари ва мезонлари, замонавий илм-фан этикаси меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда таҳлил, талқин ҳамда тадқиқ қилиш зарурати борлигини таъкидламоқда.

Дунёдаги илфор олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари[1]да сўнгги йилларда интеллектуал маданиятнинг структураси, компонентлари, шахсда шаклланиши ва намоён бўлиши, жамиятнинг турли тарихий даврларидаги динамик ҳолатлари, глобаллашув, постиндустриал ва информацион жамият ҳаётида “сунъий интеллект” муаммоси, талаба-әшларда ижодкорлик, тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш жараёнини фалсафий-методологик жиҳатдан таҳлил қилиш, унга нисбатан илмий қарашларни тизимлаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги тез ўзгарувчан оламда талаба-талаба-әшларнинг интеллектуал

## ПЕДАГОГИКА

маданиятга асосланиб дунёни англаши, билиши учун унинг аксиологик ва замонавий педагогик жиҳатларини ривожлантириш жараёнини тадқиқ этишга бўлган зарурат янада кучаймоқда.

Янги Ўзбекистонда талаба-ёшларнинг интеллектуал маданиятини ривожлантириш учун ташкилий-хуқуқий ва ижтимоий-маънавий шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳар жиҳатдан камол топишларини таъминлашга хизмат қилувчи "Ўзбекистон ёшлари - 2025" концепцияси[2]ни ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтирди. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, "Президент мактаблари", "Ижод мактаблари"ни ташкил этиш, мамлакатимиз талаба-ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш ижобий ташаббусда илгари сурилган "улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш"[3]нинг муҳим вазифалар сифатида белгиланиши келажақда ўз билимларини жамият ривожи учун йўналтиришга қодир бўлган авлодни шакллантириш шарт-шароити яратилди.

Дунёда талаба-ёшлар интеллектуал маданиятини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштириш, илмий изланишли фаолиятга аксиологик муносабатни қарор топтиришга доир қатор педагогик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Талаба-ёшларнинг танқидий ва ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг назарий асосларини чуқурлаштириш, унинг устувор йўналишлари ва ғоялари асосида таълим олувчиларда илмий-инновацион фикрлашни шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев "...ёшларимиз мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз"[4.29] – деб алоҳида таъкидлаган. Демак, таълим жараёнида талаба-ёшлар интеллектуал маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий педагогик хусусиятларини аниқлаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, талаба-ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рӯёбга

чиқариш, "ислоҳотларнинг муваффақияти мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносаб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълимтарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди"[5.446]. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг қудрати унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади ва бевосита узлуксиз таълим сифатига боғлиқ. Ҳаракатлар стратегияси эса ижодкор, маънавий баркамол шахсни шакллантиришда ва юқори малакали кадрларни тайёрлашда илмий, методологик, назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги тараққиёт босқичида илмий-техника жадал ривожланиши борасидаги ахборотлар, яъни ғоялар тўқнашуви натижасида, ҳалқимиз тафаккурида юз берувчи турли хил ўзгаришларнинг кескин салбий оқибатлари, яъни турли мағкуравий таҳдидлар ва бунинг натижасида ҳосил бўлувчи тафаккур инерцияси ва маргинализмидан ҳимоялаш, шахс, жамият интеллектуал маданиятини муқобил юксалтиришнинг муҳим усул ҳамда воситаларини яратиш долзарб педагогик вазифалардандир. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони муҳим амалий ва назарий, тарихий аҳамият касб этади[6]. Ушбу ҳужжатда олий таълимни тубдан испоҳ қилиш, мамлакатнинг ривожланиш стратегиясига мувофиқ малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, замонавий бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш ишини ҳалқаро талаблар асосда ташкил қилиш вазифаси кўйилган.

Айни юқоридаги мақсадларни амалга оширишда ҳалқаро ҳамкорлик ҳам муҳим роль ўйнайди. Жумладан, 2018 йил октябрь ойида Ўзбекистон ва Россия ўртасида олий таълим тизимидағи ўзаро стратегик ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш мақсадида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг қатор етакчи олий таълим муассасалари ташабbusи билан илк маротаба "Ўзбекистон-Россия

таълим форуми” ўтказилди. Халқаро форумнинг мақсади Ўзбекистон ва Россия ўртасида замонавий йўналиш ва мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқот соҳасида ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишидан иборат бўлди[7].

Янгиликка интилувчан инновацион маданият субъекти бўлмис ёш ижодкор куйидаги фазилатларга эга бўлиши лозим:

1) мустақил фикрга эга бўлган ҳамда гуруҳницидан унинг шахсий стандартлари устун бўлса, баҳолаш ва ҳукмда ноконформизм кўзга ташланса мустақил фаолият кўрсатиш;

2) ақлу идроқда очиқ-ойдинлик ўзи ва ўзгаларга хос бўлган илмий фантазиясининг моҳиятига аниқлик киритишга тайёр туриш;

3) номуайян ва ечими топилмаган вазиятларга бағрикенглик билан ёндашиш, амалий, ижтимоий фаоллик күрсатиша интилиш;

4) ривожланган эстетик түйғу, гүзалликка мутлақ мукаммаллашмаган қониқишиң сифатида интилиш;

5) ўз шахсий қобилияти ва характери, интеллектуал потенциалига тұла ишониш ва ҳоказо.

Ёш ижодкорларнинг бу муҳим белгиларига яна тадқиқий инновацион фаолиятда манфаатпарастлик мавжуд эмаслигини ҳам киритиш лозим. Бунинг оқибатида вазиятларни барҳам этишда интеллектуал фаоллик, ақлий фаолиятдаги давомийлик, ишнинг на амалий манфаат, на ташқи субъектив баҳоси билан алоқадор бўлмаган интеллектуал ташаббускорлик хизмат қиласиди[8.98].

Талаба-ёшларда ижодкорлик маданиятини белгилашда унинг яратувчанлик ва танқидий фикрлаш қобилияти даражаси алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, ижодий фикр масалани тубдан янгича ҳал этиш маҳсулни ҳисобланади. Танқидий фикрлашнинг бу жараёндаги педагогик вазифаси эса муайян соҳада кўлланилувчи қарорларнинг бажарилиш сифатини аниклаб туришни назарда тутади.

Ижодий тафаккур янги ғоялар яратишга йўналтирилади, танқидий тафаккур эса уларнинг камчиликларини аниқлади. Гарчи алоҳида кўлланилсада, тафаккурнинг ҳар икки кўриниши ижодий вазифаларни бажариш учун зарур, бинобарин, танқидий

тафаккур ижодий фикрлашга күпинча түсік ёки аксинча таъсир күрсатиши ҳам мумкин. Ижодий тафаккур инсоннинг ўз фикрларига тұла әркінлик бериш ва уларни муайян соҳага йұналтиришни тақозо қилади. Буни одатда фикрий әркін боғланиш деб юритадилар. Инсон миясига келган ҳар қандай бемаңни нарсани гапириши мумкин. Лекин фикран әркін боғланиш авваллари құлланилған бўлса, эндиликда жамоа ўз олдига қўйган вазифани бажаришда ҳам “ақлий ҳужум” тарзида ишлатилмокда.

“Ақлий ҳужум” технологияси кейинчалик синектик усул билан үйгунлашди. Синектиканиң моҳияти эса нотанишни-танишга айлантиришдан иборат. Талаба-ёшларда бу операцияларнинг қуидаги тўрт кўриниши орқали интеллектуал маданиятни шакллантириш улар инновацион фаолиятида самара бериши мумкин:

1.Муаммоли вазиятнинг элементи (масалан, муайян механизминг қисми, машина детали) билан ўзни айнанлаштириш;

2. Замонавий билим ва амалиётнинг бутунлай бошқа, кўпинча кутилмаган соҳаларидан ўхшаш ходисалар излаб топиш;

3. Бажариладиган вазифани шакллантиришда поэтик образ ва метафоралардан рационал фойдаланиш;

4. Муаммо ҳал этилаётганда, табиатнинг асосий қонунлари соқит қилинишига ўхшаш фантастик аналогия.

**“Сабаб - Далил – Натижа” методи**  
фалсафа таълимида муаммолар илдизини, ҳодисалар моҳиятини аниқлаш имконини беради. Бу усул мавзуни тушунтириш босқичида самарали бўлади, у талабанинг истиқболларни кўриш ва воқеаларнинг кейинги йўналишини прогнозлашга имкон беради, ўқув материаллари бўйича мустақил ўрганишга ундейди. Мантиқий занжирни ҳосил қилиш учун унинг таркибий қисмларидан фақат биттаси тавсия этилади. Талабалар маълум бир ҳолат учун сабаб (ёки сабаблар)ни танлайди ва унинг оқибатларини аниқлайди ёки маълум сабабларга кўра ҳақиқатга яқин натижани излаб топади.

“Яхши – ёмон” методи талабаларнинг ўкув машғулотларида руний фаоллигини оширишга,

## ПЕДАГОГИКА

зиддиятли ҳолатларда қандай хатти-харакатни амалга ошириш ҳақидағи ғояларни шакллантиришга қаратылған. Ҳар қандай объектив, вазиятта ижобий ва салбий томонларни топиш ва қарама-қаршиликтарни бартараф этиш қобилиятини шакллантириш учун ёрдам беради.

**Фальсификация методи** дарс машғулотларыда факт инкор этиш орқали текшириб кўриш имконияти мавжуд бўлган билимгина илмий билим бўлишини асослаш учун қўлланилади. Мазкур методни К. Поппер таърифлаб берган бўлса-да, унинг асосий ғояси илгари ҳам тадқик қилинган эди. Масалан, Ф. Ницше “Яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида” асарида: “Назарияни инкор этиш мумкин эмаслиги унинг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Айнан мана шу жиҳати билан у энг нафис ақл эгаларини ўзига тортади”, деб ёзади[9.246]. Ушбу метод асосчиси К.Поппер ҳеч нима ҳақида тор, бир томонлама, ўз фикрини ягона ҳақиқат сифатида уқтирувчи хулоса чиқармайди, балки уларни танқид қилиш учун очиқ жой қолдиради. У ақлни, ўқувчини баҳсга тортиш учун қарашларни, назарияларни атайин кескин танқид қиласи, бироқ унинг эпистемологияси фактада этишга эмас, балки танқид орқали рационал далил, рационал фикр ва рационал таълимот излашга қурилганини унутмаслик зарур”[10.134-135].

Юқорида келтирилган методлар орқали ташкил қилинган дарс жараёни, илмий-педагогик жараён мазмунини куйидаги жадвалга жамладик:

ТАЛАБАЛАР ИНТЕЛЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАКЛЛАРИ			
Муаммоли гурухни танлаш	Манбалар (дарслерлар, бадиий асарлар, Услубий қўлланмалар ва х.к.)	Овоз ва тасвирини ифодаловчи воситалар (магнитафон, радио, диктафон, телевизор, кодоскоп, видеокамера, мультимедиа жиҳозларива х.к.).	Дарсдан ташкири жараён – фалсафа тўғараги, “Заковат” ўйинлари ва бошқа уюшмалар
ТАЛАБАЛАР ИНТЕЛЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ			
Интеллектуал маданиятни ривожлантиришга қартилган маҳсус методиканни педагогик жараёнига татбик этиш	Интеллектуал маданиятни ривожлантиришга қартилган маҳсус методиканни педагогик жараёнига татбик этиш	Оммавий ахборот воситалари (журналлар, тўплам, газета, радио ва телевидение материаллари ва х.к.)	Кўшимча шакллар - фан амалиётлари. Баҳс-мунозара ва дебат марказлари.
Интеллектуал маданиятни ривожлантиришинг педагогик жараёнидан олинган натижаларнинг самарадорлик даражасини тажрибасинов ишлари асосида аниклаш.	Ахборот коммуникация воситалари (интернет тармоқлари).	Махсус тайёрланган анкета ва тестлар	
НАТИЖА: Талабаларда интеллектуаллик кўниқмалари шаклланган			

## Талабалар интелелектуал маданиятини ривожлантириш шакллари, воситалари ва педагогик мазмуни

Талаба-ёшларда интелелектуал маданиятнинг юксалиши ижодий тафаккур йўлидаги зиддиятларни бартараф этиш лаёқатини шакллантиришни тақозо қилади. Бу мураккабликлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- конформизм, яъни бошқаларга ўхшаш бўлиш истаги; инсон бошқалар олдида кулгу бўлишигини кўрсатмаслик учун фавқулодда ғояларни эълон қилмайди.

- назорат-цензура (айниқса ботиний, ёки ўз-ўзини ўта танқид қилиш), яъни одатда ўз ғоялари натижаларидан хавотирланадиган кишилар ҳеч қачон инноватор бўла олмайди; шахснинг қобилият билан ўз-ўзини танқид ўртасида қандайдир тенглик бўлиши лозим, бинобарин, ўзининг истеъдодига ортиқча маҳлиё бўлишлик ижодий таназзулга олиб келиши мумкин.

- инсон фаолиятидаги омадсизлик ва ташаббус исканжасида қолиб кетишдан ҳадиксираш.

- ижтимоий воқеликка мослаша олмаслик; бу одатдан ташқари шароитларда фаолият усусларини ўзgartаришдаги танглиқдир.

- муайян ижтимоий шароитда янги вазифани амалга ошириш йўлларини топишга интилиш; лекин юксак мотивацияга берилиш кўпинча илмий асосланмаган қарорлар қабул қилишга сабаб бўлади.

Талаба-ёшларда интелелектуал маданият шаклланишида танқидий тафаккурга тўсиқ бўладиган ижтимоий ҳолатларни ҳам эътиборга олиш лозим. Булар таркибиға қуйидагилар киради:

- мунтазам агрессив характерга эга бўлишлик хавфи; яъни, баъзи кишилар ёшлиқдан салбий хислатларни танқид қилишдир, деган фикрга ўрганиб қолади;

- айрим талаба-ёшлар ёт ғояларни танқид қилиб, ўзининг фикрларига нисбатан ҳам қарши муносабат уйғотишдан ҳадиксирайди;

- бу кўркув яна бир тўсиқни юзага келтиради: шахсий ғояларимизга юқори баҳо бериб, биз ўзимизга маъқул бўлган шахслар билан алоқа қилишдан манфаатдор бўламиз;

- ижодий фантазияга ҳаддан зиёд ургу бериш. Бундай ёндашув шахсдаги танқидий рухни пасайтиради.

ТАҚИДЛАШЛОИМКИ, ДЕСТРУКТИВ ТАНҚИДИЙ КЎРСАТМАЛАРДАН КИШИЛАРГА АМАЛИЙ НАФЫИ ТЕГУВЧИ ТАНҚИДИЙ ТАФАККУРНИ ФАРҚЛАШ ЛОЗИМ. ИНСОННИНГ ФАҚАТ ТАНҚИД ТАНҚИД УЧУН ШИОРИ ЙЎЛИДАГИ ИНТИЛИШИ БИЛИШ МАҚСАДЛАРИНИ АКС ЭТТИРМАЙДИ.

Инновацион билимларни келтириб чиқарувчи танқидий тафаккур инноваторнинг тайёргарлик даражаси, унинг замонавий информацияларни мунтазам қабул қилиш қобилияти, мослашиш эмас, балки ривожланиш, янгиликларни топишга нисбатан психологик йўналиши барқарорлигига боғлиқ бўлади. Бўлажак инноватор талаба-ёшларнинг юксак ахлоқий тарбияси билан бир қаторда унинг ижодий маданияти чинакам гуманистик, фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади. Бунда талаба-ёшларнинг интелелектуал қобилият ва фикрлашини шакллантириш жараёни муҳим аҳамиятга эга.

Талаба-ёшлардаги ҳар бир қобилият ўзининг ривожланиш йўлига эга бўлиб, бунинг натижасида у дифференцияллашади, шаклланади, ривожланади ва қайта ишланади. Уларнинг ҳар бири учун муайян бир табиий асос лозим, масалан, мусиқачи учун эшитиш қобилияти муҳимдир. Махсус қобилиятларнинг ривожланиш жараёни уларнинг амалиётда намоён бўлиш вақтига таъсир ўтказади. Ижодий қобилиятларнинг ифодаланишини кетма-кетлигини ўрнатиш мумкин.

Хуллас, биринчидан, юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, талаба-ёшларда интелелектуал маданиятнинг шаклланиши юқори даражадаги билиш фаоллиги, тафаккурнинг ривожланганлигига боғлиқдир. Шу боис талаба-ёшлар камолотидаги қобилият ва иқтидорни олдиндан пайқаш ва уларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтириш керак.

Иккинчидан, интелелектуал маданият инсоннинг ўзини ва дунёни англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланиб, унинг ёрдамида талаба-ёшлар ижодий онгини ўстириш ва тафаккурини кенгайтириш муҳим амалий аҳамиятга эга, чунки бундай жараён натижасида эркин ва мустақил фикрлайдиган, ўзлигини англай оладиган, яъни ҳар хил зарарли, бузгунчи оқимларга

## ПЕДАГОГИКА

қўшилмайдиган бўлажак малакали мутахассисларни салоҳиятли, онгли, ватанимиз манфаатларига содик инсон сифатида тарбиялаш имконияти яратилади.

Учинчидан, глобаллашув шароитида миллий ва умуминсоний қадриятларни, замонавий илм-фан, инновацион техника-технологиялар борасидаги ютуқларни илмий асосда ўрганиш ва таҳлил қилиш бўлажак ёш мутахассислар интеллектуал

маданиятини шакплантиришда мустаҳкам илмий асос бўлмоқда.

Тўртингчидан, давлат, жамият, таълим муассасалари, оила ва инсонларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириб бориш борасидаги янги моддий ва маънавий неъматларни, яъни шахс интеллектуал салоҳиятини мунтазам равишда юксалтириб бориш фуқаролик жамиятининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

### Адабиётлар:

1.Singapur Science Centre (<https://www.science.edu.sg>), KAIST (<https://www.kaist.ac.kr>) (ЖанубийКорея), Sapporo Science Centre (<https://www.ssc.slp.or.jp>) (Япония), Hong Kong Science Centre ([www.discoverhongkong.com](http://www.discoverhongkong.com)) (Гонконг), Technorama Science Centre for children (<https://www.myswitzerland.com> › technorama-swiss-science-center) (Швейцария).

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

3.<http://www.lex.uz/docs/4320713>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

4.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017.

5.Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

6.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. <https://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-oliy-talim-tizimini-2030-yilgacha-riv-09-10-2019>

7.<https://kun.uz/54763240>

8.Богоявленская Д. Б. Исследования творчества и одаренности в традициях процессуально-деятельностной парадигмы // Основные современные концепции творчества и одаренности. – М.: 1997.

9.Shermuhamedova N. Falsafa va fan metodologiyasi. –T.: Aloqachi. 2008, -B.246.

10.Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти. 2008.